**ШАРТНОМА №1/1**

сикилган газ етказиб бериш бўйича

Галлаорол тумани "1" январ 2022 йил

Бизларким бир томондан **«Grain Island » МЧЖ** номидан корхона Низоми асосида иш олиб борувчи бошлик И.Эшмурзаев кейинчалик **ТАЪМИНОТЧИ**, иккинчи томондан Галлаорол МГ(S)Б "Ўзтрансгаз" АЖ номидан ишончнома асосида иш олиб борувчи рахбар Б.С. Айдаров кейинчалик **ИСТЕЪМОЛЧИ**, туздик ушбу шартномани.

**Шартнома предмети**

1.1. **Таъминотчи Истеъмолчига** сикилган табиий метан газ (бундан кейин газ) етказиб беради.

1.2. Газ етказиб бериш **Таъминотчи**га тегишли бўлган Галлаорол тумани, Маданият КФЙ да жойлашган АГТКШда, **Истеъмолчи**га тегишли бўлган табиий метан газ ёкилгисида ишлайдиган автомобилларнинг газ баллонларини газ билан тўлдириш оркали амалга оширилади.

1.3. Газ етказиб бериш куйидаги жадвал асосида келишилган микдорда амалга оширилади:

| махсулот номи | ўлчов бирлиги | жами йиллик | шу жумладан чораклар бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Сикилган табиий газ | м3 | 16000 | 4000 | 4000 | 4000 | 4000 |

1.4. Шартнома тузилган вактда 1м3 табиий газ нархи 2500 (икки минг беш юз) сўмни ташкил килади. Амалдаги конунчиликга кўра 1м3 газ нархи таркибига акциз солиги, (ККС) кушилган киймат солиги ва бошка соликлар киради. Хом ашё, махсулотлар, ёкилги-энергетика ресурсларининг нархи ўзгаришига караб ва шунингдек Ўзбекистон Республикаси хукуматининг хукукий хужжат ва карорларининг ўзгаришига караб газ нархи ўзгариши мумкин. 40000000 (кирк миллион) сўм.

1.5. Газ учун тўлов банк коидаларига мувофик амалдаги конунчилик шаклларида амалга оширилади.

1.6. **Истеъмолчи** томонидан газ учун 100% олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин, **Таъминотчи** томонидан, таркатиш кайдномаси асосида етказиб берилади. **Истеъмолчи** томонидан олдиндан тўлов амалга оширилмаган такдирда **Таъминотчи** газ етказиб беришни тўхтатиб кўйиши ёки шартнома микдоридан камайтириши мумкин. **Истеъмолчи** тўловни ўз вактида амалга оширмаган такдирда карздорлик суммасининг 50% кўп бўлмаган суммада, хар бир кечикган кун учун карздорлик суммасидан 0,4% устама (пеня) тўлайди.

1.7. **Таъминотчи** томонидан шартномада келишилган микдорда газ етказиб бериш ўз вактида амалга оширилмаган такдирда етказиб берилмаган газнинг суммасининг 50% кўп бўлмаган суммада, хар бир кечикган кун учун етказиб берилмаган газнинг суммасидан 0,4% устама (пеня) тўлайди.

1.8. **Истеъмолчи** ўзига тегишли бўлган табиий метан газ ёкилгисида ишлайдиган автомобилларнинг техник холатига, газ мосламалари ва жихозларининг техник холатига, газ баллонларининг техник холатига, созлигига ва синовдан ўтказилганлигига ва шунингдек автомобиллардан фойдаланишда техника хавфсизлигига тўлик жавобгардир.

1.9. **Истеъмолчи** куйидагиларга мажбур:

а) газдан ва газ баллонни ўрнатилган автомобиллардан фойдаланиш коидаларига, техник шартларга, йўрикномаларга ва кўлланмаларга тўлик амал килишга;

б) автомобилнинг газ баллонларини ва ускуналарини соз холатда саклашга;

в) йўл варакасида газ баллонларининг техник холати ва уларнинг геометрик хажми тўгрисида ёзув ёзиб боришга;

г) метан газ ёкилгисида ишлайдиган автомобилларнинг газ баллонларини газ билан тўлдиришга тегишли тухсатнома олишга;

д) автомобил техник паспортнинг махсус иловасида ўрнатилган газ баллонларининг геометрик хажми, сони ва йигинди хажми тўгрисида ёзув киритишга, шунингдек бу тўгридаги ёзувларни автомобилнинг махсус кисмига хам ёзишга.

1.10. Шартномада кўрсатилган бир ойлик газ микдорини ой кунларига бир текис таксимланган микдорда **Таъминотчи** етказиб бериши, **Истеъмолчи** олиши лозим.

**Истеъмолчи,** кунлик газ олиши микдорида кутиладиган ўзгаришларни ёзма тарзда ёки телефонаграмма кўринишида бўйича **Таъминотчини** 15 кун олдиндан огохлантириб кўйиши лозим. **Таъминотчи Истеъмолчини,** АГТКШнинг ускуналарини жорий таъмирлаш вактида 3 кун олдин, капитал таъмирлаш вактида 15 кун олдин хабардор килиши лозим.

1.11. **Таъминотчи** куйидаги хукукга эга:

а) автомобилнинг газ ускуналарини ва назорат-ўлчов воситаларини текширишга;

б) хайдовчининг сикилган табиий газ ёкилгисига ишлайдиган автомобилни бошкариш хукукини берувчи гувохномаси мавжудлигини текширишга;

в) **Истеъмолчи** (**Истеъмолчи** ходими) томонидан сикилган газдан фойдаланиш, автомобил газ баллонларга сикилган газ тўлдириш коидалари ва регламенти талабларини бажармаган холда газ етказиб беришни тўхтатиб куйишга.

**Махсулот микдори хисоби**

1.12. **Истеъмолчига** етказиб берилган газ микдори газ тўлдириш колонкаларидаги счетчиклар кўрсатгичи оркали аникланади. Агарда счетчиклар вактинчалик техник носос холатда бўлса, “Ўзбекнефтегаз” МХК томонидан 28.11.95 йилда тасдикланган “АГТКШда а/м га сотилган газ хажмини аниклаш жадвали” кўра Ўзстандарт ДАнинг (13.01.95 й. №418) “АГТКШда сотилган газ хажмини хисоблаш ва ўлчовни амалга ошириш кўлланмаси РД Ўз 51-034-94” ва 12.04.96 йилдаги “АГТКШ исътемолчилари билан сикилган газ хисоб-китоби кўлланмаси”га кўра аникланади.

**Томонларнинг жавобгарлиги**

1.13. Шартномада кўрсатиб ўтилган газ микдоридан зиёд газ олинадиган бўлса кўшимча келишув расмийлаштирилади. Шартномадаги газ микдори йил охиригача олинмайдиган бўлса, **Истеъмолчи** олинмай колган газ микдорининг йилнинг охирги санаси холатига бўлган суммасидан 5% жарима тўлайди.

1.14. **Истеъмолчи** ёки **Таъминотчи** куйидаги холларда газнинг шартнома микдорини олмаса ёки етказиб бермаса жавобгарлиги бўлмайди:

а) технологик жараёнда, магистрал газ кувурларида ва электр таъминоти тармокларида олдиндан билиб бўлмайдиган холатда бузилишлар юзага келса;

б) ёнгин бўлганда, ер силкинишида, сув тошкинида ва бошка табиий офатларда;

в) магистрал газ кувурларида, электр таъминоти тармокларида навбатдаги таъмирлаш вактида ёки ўшанга боглик синаш жараёнида, шунингдек технологик таъмирлаш вактида.

1.15. Махсулот учун тўловни жавобгарликни таъминлаш максадида томонлар кўшимча гаров шартномаси, кафолат жавобгарлиги ёки нотариус томонидан тасдикланган кафолат мажбурияти расмийлаштиришлари мумкин.

1.16. Томонлар ушбу шартнома шартларини бажармаса ёки талаб даражасида бажармаса Ўзбекистон Республикасида амалдаги конунчилик бўйича жавобгардирлар. Шартномада назарда тутилмаган холатлар Ўзбекистон Республикасидаги харакатдаги конунлар билан тартибга солинади.

**Шартноманинг амал килиш муддати**

1.17. Шартнома имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва йилнинг охирги санаси, яъни 31 декабргача амал килади.

1.18. Шартнома икки нусхада тузилиб иккаласи хам бир хил кучга эга.

1.19. Ушбу шартнома бўйича юзага келган келишилмовчиликлар Ўзбекистон Республикасидаги харакатдаги конунлар билан хўжалик судида кўриб чикилади.

*Шартномага илова: **Истеъмолчи**нинг газ тўлдириладиган ДАНдан рўйхатдан ўтган автомашиналари рўйхати, маркалари ва газ микдорлари кўрсатиб ўтилган хисоб-китоби.*

**6. Томонларнинг реквизитлари**

**«Таъминотчи»**

“Grain Island ” МЧЖ
**манзил:** Жиззах вилояти, Галлаорол тумани, Маданият КФЙ
**банк:** ДТ Халкбанк Галлаорол ф-ли
**банк коди:** 00677
**х/р:** 20 208 000 404 903 050 001
**СТИР:** 301 625 731
**ХХТУТ:** 71211

_________________ И.Эшмурзаев

Мухр

**«Истеъмолчи»**

_________________
**манзил:** _________________ **банк:**
_________________
_________________
**банк коди:** _______
**х/р:** _________________
**СТИР:** _________________
**ХХТУТ:** _________________

_________________

Мухр